



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 15 май 19 (299) ● Сотувда нархи эркин

## БАЙРАМ НИШОНЛАНДИ



налари раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, алоқа билим юртларининг аълочи талабалари йиғилиши. Шунингдек, маросим иштирокчилари орасида хорижда малака ошириб қайтган мутахассислар, чет эл фирмалари ва қўшма корхоналардан вакиллар ҳам бор эди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев ҳамда бошқа меҳмонлар йиғилиш иштирокчиларини қутлашди, табрик сўзлари ва қутловларда алоқа хизмати ходимлари аҳоли ўртасида алоҳида обрў-эътиборга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мустақиллик йиллари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида алоқа тармоғини ривожлантириш учун катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Соҳага юз миллионлаб АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоялар жалб қилинди, рақамли АТС ва шифа толали кабели асосланган алоқа магистраллари ишга туширилди. Бугунги кунда Оролбўйи минта-

қаси ва республикамизнинг жанубий вилоятларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Алоқа соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра бошқариш ва хўжалик юритиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Натихада кундан-кунга миллий алоқа хизмати мажмуи мустақил шаклланиб, жаҳон андозалари даражасига мослашиб бормоқда. Бу ютуқларда қобилиятли мутахассис-олимлар, раҳбарлар, заҳматкаш алоқачи-

ларнинг муносиб ҳиссаси бор. Тантаналарда тармоқда кўп йиллар ишлаган Фаёз Исаевич Файзиев, Ҳожия Маҳкамона Маҳкамона, Ҳамидулла Сирожиддинович Нурматов, Лариса Алексеевна Абаева, Вячеслав Сергеевич Луконин каби меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бир қатор йиғилиш иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Ушбу тантаналарда таниқли санъаткорлар дилрабо куй-қўшиқлар ижро этишди.

А. КУДИНОВ



Суратларни Т. Лутфуллаев олган

Ўтган ҳафта Тошкент телеминорасида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан алоқачиларнинг касб байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Бу ерга ишлаб чиқариш илғорлари — почтачилар, электромеханик ва монтёрлар, муҳандис-техниклар, алоқа корхо-

● Президент ҳузуридagi Давлат ва жамият курилиши академиясида «Ёш фидойилар клуби» ташкил этилди. Олий ўқув юртлири талабаларининг конституцийий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат идоралари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу клубга пойтахтимидаги университет ва институтларнинг талабалари аъзо бўлди.

● Иккинчи жаҳон уруши йиллари Тошкентдаги Алишер Навоий номли опера ва балет Катта театрини барпо этишда бевосита иштирок этган бир

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янмишқилар ● Воқеалар ● Хабарлар

гурух япон фуқаролари Тошкентга келиб, ушбу театр ижодий жамоаси билан учрашдилар.

● Россиянинг энг машҳур «Известия» газетаси «Ислом Каримовнинг Москвага энг муваффақиятли ташрифи» сарлавҳаси остида мақола чоп этди.

● Қозоғистоннинг янги пойтахти Оқмола шаҳри Остан шаҳри, деб ўзгартирилди. Бунга Оқмоланинг қозоқчада «Оқ қабр» маъносини бериши сабаб қилиб кўрсатилди. Остан эса қозоқ тилида «пойтахт» маъносини англатади.

● Боқуда Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев таваллуд топган кунининг 75 йиллиги кенг байрам қилинди. Озарбойжон раҳбарини ушбу сана билан таъриқлаш учун шахсан Туркия Президенти Сулаймон Демирел ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Боқуга келдилар.

● Лондонда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси учун ўрнатиладиган ёдгорликка пойдевор қўйилди. Ушбу ёдгорликни 1999 йил 9 майда очиш мўлжалланмоқда.

● Япониянинг «Тойота» автомобиль ишлаб чиқариш компанияси яқинда узунлиги атиги 631 сантиметри ташкил этувчи «Ярис» автомобиллини сотувга қўйиш ниятида. Янги машина двигателининг иш ҳажми 1 литрга, қуввати эса 68 от кучига тенгдир. Кутилишича, «Ярис»нинг нархи 11 минг АҚШ долларини ташкил этади.

## ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

### ФАРЗАНДИНГИЗ УЧУН ДАРСЛИК СОТИБ ОЛДИНГИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуқсиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилади.

Айни пайтда 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари дарсликлар билан тўлалигича бепул таъминланади.

— Ҳозиргача вазирлигимизда ҳукуматнинг маъзур қарорини бажариш бўйича муайян ишлар қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов. — Чунончи, дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди. Уларни қатъий буюртма ва шартномалар асосида яратиш, амалда қўлланилаётганларни экспертизадан ўтказиш ишлари ниҳоя-

сига етказилди. Бу борада асосий эътибор дарсликларнинг ўқувчи ёши ва хусусиятларига мослиги, санитария-гигиена, эстетика ва матбаа талабларига жавоб беришини таъминлашга қаратилди.

1998-99 ўқув йили учун дарсликлар сотишни ташкил этиш бўйича вазирликда маҳсус ишчи гуруҳи тузилди. У савдо тармоғига, жумладан, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги китоб дўконларига дарслик ва ўқув қўлланмаларини етказиб бериш масаласи билан шуғулланмоқда. Шу билан бирга ишчи гуруҳ томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ҳам китоблар билан таъминлаш борасида талаб ишлар қилинмоқда.

— Бу масалада ҳомийлар, корхоналар, турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари ва фуқаролар ёрдамига умид боғлаяпмиз, — дея сўзида давом этади М. Султонов. — Шу мақсадда ЖСБ Меҳнат бўлимида 2020400000101044001 ҳисоб рақами очилди (Банк коди 00423). Вазирлигимизнинг «Таълим-таъминот» бош бошқармаси бу ҳисоб рақамига биринчилардан бўлиб 1 миллион сўм пул ўтказди. «Ариана плюс»

фирмаси ҳам бу ташаббусга қўшилиб, шунча миқдорда маблағ ҳада қилди. Фурсатдан фойдаланиб, барча савхотпарвар кишиларни бу хайрли ишга ўз хиссаларини қўшишга чақираман.

Шубҳасиз, таълим тизимидagi бундай янгилик, авваламбор бозор иқтисоди талаблари боис юзага келди. Иккинчидан, дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли ўқувчининг китобга бўлган муносабатини ўзгартиришга, ота-оналарнинг дилбачанлигини оширишга, қолаверса, дарсликларнинг матбаа сифатини янада яхшилашга қаратилгандир. Сир эмаски, ўқувчилар орасида дарсликка эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари учрайди. Эндиликда ҳаммамиз китобнинг нафақат маънавий, балки моддий бойлик эканига ҳам амин бўляпмиз.

Хуллас, муҳтарам ота-оналар, фарзандларингиз учун дарслик сотиб олишга кечикманг.

Б. УСМОНОВ,  
ЎЗА муҳбири

## АЗИЗ

### МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига иккинчи ярим йиллик учун обуна бoшланди.  
**ОБУНА БАҲОСИ:**  
Якка тартибдаги обуначилар учун:  
1 ойга 40 сўм,  
3 ойга 120 сўм,  
6 ойга 240 сўм.  
**НАШР КЎРСАТКИЧИ:**  
227.

**Ташкилот ва корхоналар учун:**  
1 ойга 50 сўм,  
3 ойга 150 сўм,  
6 ойга 300 сўм.  
**НАШР КЎРСАТКИЧИ:**  
228.

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, «ХАВАР» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!**



## АДОЛАТ

Ватан обод бўлади ҳукм сурса адолат,  
Кўнгиллар шод бўлади ишга кирса адолат.

Кингир-кийшик йўлларга кириш йўқолар аниқ,  
Ўз фикри, мақсадида қатъий турса адолат.

Халқимиз барча ишни бажаради нуқсонсиз,  
Истаган муҳлатда фармон берса адолат.

Ҳамма жойда интизом, тартиб ўрнашар, Тўра,  
Ноҳақ ишларга тўғри чора кўрса адолат.

## ДУНЁ ҚИЗИК

Дунё қизик, ғам-андух, сафолари ҳам бордир,  
Берган турли дардига даволари ҳам бордир.

Бахтли киши пайт келиб бахтсизга айланади,  
Беқийёс яхшилиги, жафолари ҳам бордир.

Қашшоқ яшаганларнинг бой бўлганини кўрдим,  
Бир қанча ёмонлиги, вафолари ҳам бордир.

Ҳаммага бирдай ёққан одамни топиш қийин,  
Тўранинг душманлари, ошналари ҳам бордир.

Тўра ЖУМАН

## ХАБАРЧИМ

Мағруб ила машриқни яқин қилган хабарчим.  
Хижронларда қуймас жон сокин қилган хабарчим.

Жондош, қондош, қариндош, бўлса магар йироқда,  
Хабар айлаб севинчини талқин қилган хабарчим.

Соғинади оналар сафда юрган фарзандин,  
Қон томирлар увшиша оқин қилган хабарчим.

Мактуб кутиб ёрдан ўйга чўмса аскарлар,  
Хат кўрсатиб кўзини чақин қилган хабарчим.

Ёмғир демас, қор демас, писанд эмас саратон,  
Эл кўнглига йўл топиб ёркин қилган хабарчим.

Элчи бўлиб боғлагай дилга дилнинг риштасин,  
Юракларнинг учқунин ёлқин қилган хабарчим.

Сиз борки бу ҳаётда элга элни боғлабон,  
Шоир Акрам қалбини тошқин қилган хабарчим.

Акрам ЮНУСОВ,  
«Фарғона почтаси» ҳиссасдорлик  
жамиятининг Риштон туман  
бўлими ишчиси

## КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

- Дунё бойликка тўла, бироқ ҳар кимга насиб этгани бўлади.
- Фарзанд қалб гавҳаридир. Келажакда у қандай мева бериши ота-онага боғлиқдир.
- Ҳақиқат топталган жойда барча ёмон иллатлар илдиоз отади.
- Даҳоларни халқ яратади.
- Илоҳий кучлар борлигига имони йўқ инсонларгина ишонмаслиги мумкин.
- Оқила аёл умр безагидир.
- Манманлик дунёдаги энг ёмон иллатдир. Баъзан оқил инсонлар ҳам худди ана шу иллатнинг қурбони бўлишади.
- Ҳақиқий муҳаббат чин ошиқлардагина мужассам бўлади. Бу тоғлардан оқиб келадиган бўлоқ сувига ўхшайди. Бўлоқ суви қуриши мумкин. Муҳаббат эса...
- Гулларни севамизу, лекин авайлаб-асрашни билмаймиз.
- Биз кўпинча инсон қалби эзуликка қанчалик ташна эканлигини билмаймиз. Воқеа содир бўлгандан сўнггина буни тушунаемиз.
- Қасрдаки меҳр-оқибат кўтарилса, у ерда виждонга ўрин қолмайди.
- Аёл бу забт этилмаган чўққига ўхшайди.
- Инсон қалби тўзал ва сирли, уни фақат тушуна билиш керак.

Иzzат АХМЕДОВ

## БУ — ҚИЗИК

Янги Гвинеяда йигит севган қизининг олдида келиб, бир томонига сурат ёпиштирилган тахтача билан унинг юзини силайди. Бу: «Мен сени севаман, турмуш кўрайлик», дегани бўлади. Улар шу усулда бир-бирларига кўнгли билдиришади.

Мавайян қабиласида эса, йигитга аввал қиз муҳаббат изҳор қилади. Бунинг учун қиз йигит ишлаб юрган жойга боради. Унга қарашган бўлиб юради-да, фурсат топиб, сўнгра кўнгли билдиради.

Кабутарлар ўз-поллопонларини нима билан боқишини ҳамма ҳам билвермас керак? Улар поллопонларини сут билан боқадилар. Маълумки, уларда сут безлари бўлмайди. Дунёга келган поллопонлар тумшукларини онанинг оғзига тикадилар-да, у ердан сут эмадилар. Поллопонлар дунёга келишидан бир неча кун олдин она кабутарнинг бўғзида сут пайдо бўлади. Уни озуқа ёки «қуш сути» деб атайдилар. Кабутарлар ўз болаларини дастлаб шу сут билан боқадилар. Бу озуқа уй кабутарларида 18 кунгача, дала кабутарларида эса, бундан ҳам кўп вақтгача етади.

## • Биласизми?

### АСПИРИН


Аспирин дорисини немис кимёгари Феликс Хофман бундан 90 йил муқаддам ихтиро қилган. Россияда уни А.П.Чехов оммалаштирган эди.

Аспирин яна узоқ йиллар қўлланиши мумкин экан. Иссиқни туширувчи бу дорининг янги-янги хоссалари кашф қилинмоқда. Одамлар йилга юз миллиард дона аспирирни истеъмол қиларкан.

### ТЕМИР ЙЎЛ

Маълум бўлишича, сайёрамазда биринчи темир йўл тарихчиларнинг ҳисоб-китобларидан анча аввал қурилган. 1764 йили қирол Людовик XVI фармони билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, кўплаб хизматчилар ёрдамида юргизилган.

## ШОҲ ВА МОТ



Уч юришда мот.

Тузувчи Шароф МИРЗАЕВ

ЖАВОБИ:

I. 1. Фе1-b4!

(цугцванг)

1... Кр:а7+2, в7-

в8 КХ

II. 1... Кр:с7+2.

в7:а8 КХ

III. 1... Лаб:а7

2. Лс7-c8X

### МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖҲРАБОВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

### ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:  
Бўриной АХМЕДОВ  
Сайидмахмуд АҚБАРОВ  
Шохруҳ АҚБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-048. 12926 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топширилди вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6

